

2013-6

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси талабига ҳамда Олий суд Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори тушунтиришларига риоя қилинмаганлиги учун суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари буйича Наманган шаҳар судининг 2011 йил 20 январдаги ҳукмига кўра, Х.нинг жиноят ишидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди чиқарилган. Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айб-лашга оид қисми жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди кассация инстанциясининг 2012 йил 30 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. дастлабки тергов органи томонидан 2002-2005 йилларда Наманган шаҳар "Ёшлик" уй-жой қурилиш кооперативи раиси лавозимида ишлаб келган даврида, 2002 йилда Л.га тегишли бозор баҳоси 15.000.000 сўм қийматга эга бўлган 2 хонадан иборат уйни Л.дан офис сифатида фойдаланиб туриш учун олган. Уйдан 2005 йилга қадар фойдаланиб келган, 2001 йил 3 март ва 2002 йил 4 октябрь кунлари ўтказилмаган кооператив аъзолари умумий йиғилишини ўтказилди деган сохта баённома расмийлаштирган ва йиғилиш қатнашчиларига "Сизларга совға берилади" деб алдаб, имзоларини қўйдириб ва айрим имзоларни қалбакилаштирган ва ўғли Р.ни кооператив аъзолигига қабул қилиб, сохта хужжатларни тайёрлаб, Наманган шаҳар ҳокимлигининг 2003

йил 3 сентябрдаги 915-сонли қарорини қабул қилдириб, ушбу қарор асосида 12649-сонли ордер билан уйни ўғли Р.нинг номига расмийлаштириб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, 2006 йил 5 январь куни фуқаро В.га уй қонуний асосда ўғли Р.нинг номидалигини айтиб, алдаб 1.200.000 сўмга сотганликда айбланган.

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасида айблов ҳукми чиқариш учун асослар назарда тутилган бўлиб, ушбу модданинг 3-қисми 2-банди талабига кўра, жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаради.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарорининг ўн саккизинчи бандида, оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига йўл қўйилмаслиги, башарти Жиноят кодексининг бир ёки бир неча моддалари (моддалар қисмлари, бандлари) билан тавсифланган бир неча жиноятларни содир этганликда айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳар бир модда (модданинг қисми, банди, айблов эпизоди) бўйича оқлашнинг тегишли асосларини кўрсатиб, айбловнинг асоссиз эканлиги тўғрисида асослар келтирилган ҳолда ҳулосани тузиши лозимлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

Суд Х.нинг ҳаракатида Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмас деб оқлов ҳукми чиқариб, уни Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-

қисми "а" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айблаш ҳақидаги қисмини жавобгарликка тортиш муддати ўтган, деб тугатган.

Бироқ суд Х. 2001 йил 3 март ва 2002 йил 4 октябрь куни кооператив аъзоларининг умумий йиғилиш баённомасини қалбакилаштириб, сохта ҳужжатларни тайёрлаб, Наманган шаҳар ҳокимлигининг 2003 йил 3 сентябрда қарорини қабул қилдиртириб, сохта ҳужжатлар тайёрлашда ва ундан фойдаланишда ифодаланган жиноятни содир этган деган хулосага келган бир вазиятда ҳукмнинг қарор қисмида Х.нинг қайд этилган моддалар билан айбдор ёки айбдор эмаслигини кўрсатмасдан шубҳа остига қўйган ҳолда ҳукм чиқарган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 5 декабрдаги ажрими билан Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилди.

ЖСХ-309-13 назорат иши